

2-ТОМ, 11-СОН

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БҮЙИЧА ЯНГИ ЁНДАШУВЛАР  
БҮЙИЧА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ  
ЮЗАСИДАН ТАКЛИФЛАР

Б.Б.Хидирбаев

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бошқарма бошлиғи

Республикада 1 млн кам таъминланган оилалар, 1 млн ногиронлиги бўлган шахслар, 688 минг ижтимоий нафақалар олувчилар, 62 минг етим ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болалар, 25 минг тазийқ ва зўравонликка учраганлар, 17,5 минг ўзгалар парваришига муҳтоҷ кексалар, 14 минг уйсизлар, 8,6 минг жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар ташкил этади.

Боғдодда оилаларнинг меҳнат ёшидаги аъзоларининг 58 фоизи – ишсизлик, тўлиқсиз иш, иш ҳақининг камлиги ва касбий қўнималарнинг етишмаслиги сабабли, 42 фоизи – 3 ёшгача бола парвариши билан бандилиги, ногиронлиги ва оғир касаллиги, ўзгалар парваришига муҳтоҷлиги, боқувчисини йўқотганлиги каби ижтимоий муаммолар сабабли камбағал ҳисобланади.

**Мисол учун:** Багдод туманида яшовчи Т.Қ.нинг 3 та фарзанди бор бир фарзанди ногирон. Оила “Ягона реестр”га киритилибҳар ой 500 минг сўм болалар нафақаси тўланмоқда.

*Худди шунингдек, ушибу туманда яшовчи 18 ёшдан ошган 3 та фарзанди мавжуд Б.Б.нинг камбағаллик даражаси фақат монетар аниқланганлиги натижасида “камбағал оила” деб топилмаган (ҳар бир аъзосига даромад – 725 минг). Ваҳоланки оиласда ота-она пенсионер ва 2 та фарзанди ҳам руҳий касал.*

Камбағал оилаларни аниқлаш мезони ва манзилли рўйхатини ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд. Сабаби, камбағалликни аниқлаш фақат даромад мезонига (МИХ)



## **2-ТОМ, 11-СОН**

боғланган бўлиб, оиланинг оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолиш ҳолати ва бошқа ижтимоий муаммолари ҳисобга олинмайди.

Шунингдек, камбағал деб тан олинган оилаларга фақат моддий ёрдам ва нафақа тўлаш билан чекланиб қолинмоқда.

Даромади МИХдан юқори бўлганлиги сабабли болалар нафақаси ва моддий ёрдам бўйича аризалари рад этилган оилаларнинг 57 фоизини (150 минг) даромади МИХнинг 1,5 бараваридан (948 минг) ошмаган. Ушбу 150 минг оилаларнинг 11 фоизи нафақа учун 2 ва ундан ортиқ марта мурожаат қилган.

Камбағалликка тушиш хавфи бўлган оилалар – ҳар бир аъзосига даромад минимал истеъмол харажатидан ошмаган ҳамда яшаш шароити ёмон, узоқ муддат даволаниш талаб этадиган аъзолари ва ижтимоий муаммоси мавжуд оила. Бунда:

- а) уй-жой билан боғлиқ яшаш шароити оғир бўлган;
- б) оиласда узоқ муддатли даволанишни талаб этадиган оғир касалликка учраган шахслар;

**Мисол учун:** Бозодд туманинг 10 мингта кам таъминланган оилаларда 947 нафар (4 фоиз) оғир касалликка хусусан, 54 нафар – суюк емирилиши, 112 нафари – руҳий касал, 20 нафари – онкологик касалликка чалингандиги шахслар мавжуд.

в) ижтимоий муаммолари (оила аъзоларидан бири ногирон, ёлғиз оналар, меҳнатга яроқли оила аъзоси мавжуд бўлмаган) мавжуд оилалар визуал тартибда ўрганилиб камбағал оилалар рўйхатига киритилади.

Рўйхатдаги оилалар комплекс баҳолашдан ўтказилади, хусусан, оилаланинг тиббий, ижтимоий, уй-жой, бандлик бўйича муаммолари ўрганилиб, индивидуал дастури шакллантирилади.



**2-TOM, 11-SON**

мазкур дастур маҳалла еттилиги томонидан тасдиқланади ҳамда вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалга оширилади.

Бунда, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Тижорат банклари ва бошқа вазирлик ва идоралар оиласига ўз йўналиши бўйича хизмат кўрсатади.

